



2017 йил «6» июн

№ 608-У

**2017 манзилли дастур асосида қурилиши
режалаштирилган савдо дукони биносини
қуриш учун ер майдони танлаб ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибининг тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 24 августдаги "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан келишилган №1141/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2017 йил 26 майдаги №1245-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Холиёрова Латофат Фахриддин қизи томонидан Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.003 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Холиёрова Латофат Фахриддин қизига Нурабод тумани Нурбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.003 гектар ер майдонига савдо дукони биносини қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 1 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Холиёрова Латофат Фахриддин қизига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Холиёрова Латофат Фахриддин қизи томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Холиёрова Латофат Фахриддин қизи томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари О.Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров